



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 12 октябрь, № 212 (7442) Шанба

Сайтимига ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



МДХНИНГ АШХОБОД САММИТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йил 10-11 октябрь кунлари Туркменистон пойтахти Ашхобод шаҳрида бўлиб ўтган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этди.



GA'RASSYZ DÖWLETLERIŇ ARKALAŞYGYNYŇ
DÖWLET BAŞTUTANLARINYŇ GEŇEŞINIŇ MEJLISI
Aggabot säheri, 2019-njy ýylyň 11-nji oktýabry
ЗАСЕДАНІЕ СОВЕТА ГЛАВ ГОСУДАРСТВ
СОДРУЖЕСТВА НЕЗАВИСИМЫХ ГОСУДАРСТВ
г. Ашхабад, 11 октябрь 2019 года

САММИТ ДОИРАСИДАГИ УЧРАШУВЛАР

МДХ Давлат раҳбарлари кенгашининг Ашхобод саммити доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан учрашди.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатлари бугун юсак даражага кўтарилганини катта мамнуният билан қайд этдилар.

Учрашувда савдо, саноат кооперацияси, энергетика, транспорт, маданий-гуманитар алмашинув соҳаларида ва бошқа устувор йўналишларда икки томонлама амалий ҳамкорликни кенгайтиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Президентлар бўлажак олий даражадаги учрашувлар режасини кўриб чиқдилар, шунингдек, халқаро ва минтақавий аҳамиятга мўлжал қилинган янги масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Арманистон Республикаси Бош вазири Никол Пашиняни қабул қилди.

Учрашувда савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш муҳимлиги қайд этилди.

Ҳукуматлараро ва идоралараро даражада ўзаро алмашинувларни йўлга қўйишга келишиб олинди. Халқаро сийёсат ва кўп томонлама ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликка доир долзарб масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Ў.А.

Саммитнинг асосий тадбирлари 11 октябрь кунини бўлди.

Туркменистон Президенти Гурбангули Берdimухамедов раислигида ўтган йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Арманистон Республикаси Бош вазири Никол Пашиня, Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғизистон Республикаси Президенти Сооронбай Жээнбеков, Молдова Республикаси Президенти Игорь Додон, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, МДХ Ижроия қўмитаси раиси — Ижрочи котиби Сергей Лебедев иштирок этди.

Дастлаб МДХ давлат раҳбарлари тор доирада учрашув ўтказди. Унда Ҳамдўстлик доирасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, ушбу халқаро тузилма фаолиятини такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди, минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Унда нутқ сўзлаган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ҳамдўстлик доирасида кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш зарурлигини қайд этди ҳамда шерикликнинг истиқболли йўналишларига алоҳида эътибор қаратди.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги

Ўзбекистон учун, аввало, савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, турли тармоқларда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, транспорт-логистика ва транзит салоҳиятини рўйга чиқариш, хавфсизликни мустаҳкамлаш, маданий-гуманитар алмашинувларни кенгайтириш жиҳатидан манфаатлидир. Сўнгги йилларда мамлакатимизнинг ушбу ташкилотдаги иштироки анча фаоллашди. Жорий йилда юртимизда МДХнинг кўп қабатли тадбирлари ўтказилди.

Хусусан, Тошкентда МДХ Ички ишлар вазирлари кенгаши, Самарқандда Туризм бўйича кенгаши йиғилишлари бўлиб ўтди. Учрашувда 2020 йилда МДХга раислик Ўзбекистон Республикасига ўтиши тўғрисидаги қарор барча иштирокчилар томонидан қўллаб-қувватланди.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги 1991 йил 8 декабрдаги МДХни тузиш тўғрисидаги битим асосида ташкил қилинган. Ижроия қўмита МДХнинг ижро этувчи, маъмурий ва мувофиқлаштирувчи идорасидир.

Қайд этиш керакки, мамлакатимиз Ҳамдўстлик доирасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга устувор аҳамият қаратмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг МДХ Давлат раҳбарлари кенгашининг Сочи ва Душанбе шаҳарларида бўлиб ўтган мажлисларидаги иштироки яқунлари бўйича "Йўл хариталари" тасдиқланган. Шунингдек, сўнгги йилларда шартно-

мавий-ҳуқуқий база ва МДХ доирасида мамлакатимиз ҳамкорлигининг ҳолати инвентаризация қилинганини алоҳида қайд этиш керак.

МДХ форматида Ўзбекистоннинг ташаббуслари ўзаро товар айирбошлаш ҳаммининг янада ўсиши, турли соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтириш, халқаро ва минтақавий транспорт йўлақларидан самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалигида шерикликни фаоллаштириш, саноат ва аграр тармоқларга рақамли технологияларни жорий этиш, минтақалараро ва транс-чегаравий ҳамкорликни ривожлантириш, афсон муаммосини сиёсий йўл билан ҳал этиш ҳамда маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтиришни қамраб олади.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги саммити кенг доирадаги музокаралар билан давом этди.

Давлат раҳбарлари минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган комплекс масалаларни муҳокама қилиб, томонларни қизиқтирган халқаро ва минтақавий масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикасининг 2020 йилда МДХга раислиги қўллаб-қувватлангани учун миннатдорлик билдириб, мамлакатимиз раислиги давомида ташкилот доирасидаги кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш ва самарадорлигини оширишга устувор аҳамият қаратилишини таъкидлади.

Ҳамдўстликни янада ривожлантириш концепцияси ва 2030 йилгача бўлган даврда иқтисодий ривожлантириш стратегиясини қабул қилишни жадаллаштириш тақлиф этилди.

Савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, эркин савдо зонаси тўлиқ ишлашни таъминлаш, ишлаб чиқариш кооперациясини чуқурлаштириш ва учинчи мамлакатлар бозорини ўзлаштириш, аграр, энергетика ва телекоммуникациялар тармоқларидаги ҳамкорликни кенгайтириш, илмий, инновацион ва таълим дастурларини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари ўн йилга мўлжалланган Транспорт ва транзит йўлақларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ва Худудлараро ҳамкорлик концепциясини ишлаб чиқиш муҳимлигини таъкидлади.

Келаси йили юртимизда биринчи МДХ худудлараро форуми бўлиб ўтади, шунингдек, МДХ савдо-саноат палаталари раҳбарлари кенгаши мажлисини ўтказиш, унинг доирасида Ҳамдўстликнинг ишбилармонлик ташаббуслари ҳафталигини ташкил этиш тақлифи билдирилди. Ахборот хавфсизлиги, маданий-гуманитар ҳамкорлик бўйича ҳам қатор тадбирлар режалаштирилган.

Музокаралар якунида ҳужжатлар имзоланди. 2020 йилда МДХга раислик Ўзбекистон Республикасига ўтиши тўғрисида қарор, Стратегик иқтисодий

ҳамкорлик тўғрисида декларация, Совет халқининг 1941 — 1945 йилларда Улуғ Ватан урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллиги муносабати билан МДХга аъзо давлатлар раҳбарларининг Ҳамдўстлик мамлакатлари халқлари ва халқаро ҳам-жамиятга мурожаати, 2020 — 2022 йилларда терроризм, экстремизм ва зўравонликнинг бошқа кўринишларига қарши курашиш бўйича ҳамкорлик дастури ва бошқа ҳужжатлар қабул қилинди.

Саммит якунлари бўйича оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ўтказилган матбуот анжуманида МДХ Ижроия қўмитаси раиси — Ижрочи котиби Сергей Лебедев Туркменистоннинг ташкилотга раислиги даврида барча тадбирлар, жумладан, Ашхобод саммити юсак савияда ташкил этилганини алоҳида таъкидлади. Саммитда МДХ давлат раҳбарлари томонидан 8 та муҳим ҳужжат имзолангани ҳақида маълумот берди. 2020 йилда МДХга раислик Ўзбекистонга ўтганини билдирди ва ушбу масъулиятли вазифани бажаришда муваффақиятлар тилади.

Шу билан МДХ Давлат раҳбарлари кенгашининг Ашхобод саммити ниҳоя-сига этди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Ў.А. махсус мухбири.
Тошкент — Ашхобод — Тошкент

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТУРКИЙ ТИЛЛИ ДАВЛАТЛАР ҲАМКОРЛИК КЕНГАШИ САММИТИДАГИ ИШТИРОКИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йил 14-15 октябрь кунлари Боку шаҳрида бўлиб ўтаётган Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашининг (Туркий кенгаш) еттинчи саммитида иштирок этади.

Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркия, Ўзбекистон, қузатувчи мамлакат сифатида иштирок этаётган Венгрия ҳамда Туркменистон делегациялари раҳбарлари Туркий кенгаш доирасидаги кўп қиррали ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга қаратилган масалаларни муҳокама қилдилар.

Саммитда Туркий кенгашга аъзо давлатлар раҳбарларининг Ўзбекистон Республикасининг тўла ҳуқуқли аъзо сифатида Таш-

килотга қўшилиши тўғрисида Қўшма баёноти қабул қилинади.

Учрашув якунида Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгаши еттинчи саммитининг декларацияси қабул қилиниши кутилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Бокуга ташрифи доирасида саммитда иштирок этаётган делегациялар раҳбарлари билан икки томонлама учрашувлар ўтказилади.

Ў.А.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ КЎП ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИГИ УЧУН ЯНГИ ИМКОНИАТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жорий йил 14-15 октябрь кунлари Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашининг (Туркий кенгаш) Озарбайжон пойтахти — Боку шаҳрида бўлиб ўтаётган еттинчи саммитида иштирок этади.

Мирзиёевнинг Туркий кенгашининг 2018 йил 3 сентябрь кунини Чўлпонота (Қирғизистон) шаҳрида бўлиб ўтган олтинчи саммитидаги иштироки Ўзбекистоннинг ушбу тузилма билан муносабатлари соломасида муҳим воқеа бўлди.

иш тўғрисидаги Нахичеван битимини (2009 йил 3 октябрь) ратификация қилди. Президент Шавкат



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ТАШҚИ БЕГАРАЗ КЎМАК МАБЛАҒЛАРИНИ ЖАЛБ ЭТИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ВА ДОНОРЛАР БИЛАН ИШЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини яхшилаш, шу мақсадда грантлар, техник кўмак ва бошқа ташқи бегараз кўмак маблағларини (кейинги ўринларда — грантлар) фолал жалб этиш, Ўзбекистон Республикасига бегараз ёрдам бераётган хорижий давлатлар, халқаро ва хорижий ҳукумат ҳамда ноҳукумат ташкилотлари, чет эл компаниялари, ташкилотлари ва жамғармалари (кейинги ўринларда — донорлар) билан яқин шериклик муносабатлари ўрнатиш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, донорлар билан ҳамкорликни мувофиқлаштириш, ташқи бегараз кўмак лойиҳаларини амалга ошириш мониторинги, шунингдек, уларнинг мақсадли кўрсаткичларига эришишни назорат қилиш тизимининг етарли даражада эмаслиги жалб этилаётган грантларнинг ҳажмларини ошириш ва улардан самарали фойдаланиш имконини бермаётди.

Ташқи бегараз кўмакни жалб қилиш ва ўзлаштириш тизимини янада такомиллаштириш, соҳада олиб

борилаётган ишларнинг миллий манфаатлар ва устуворликлар билан уйғунлигини таъминлаш, грантлар ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳаларни тайёрлаш, амалга ошириш, мониторинг қилиш ва ҳисобга олишнинг ягона тизимини ташкил этиш, Ўзбекистон Республикасининг донорлар билан ҳамкорлик қилиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Қуйидагилар **грантлардан самарали фойдаланиш комплекс тизимини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари** этиб белгилансин:

грантлар ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш ва натижадорлигини баҳолаш, аниқ соҳаларнинг иқтисослашувини ҳисобга олган ҳолда ушбу секторлардаги тартиб-таомилларни уйғунлаштириш ва саъй-ҳаракатларни бирлаштириш масалалари юзасидан донорлар билан доимий мулоқотнинг барқарор платформасини шакллантириш;

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йиғирма учинчи ялпи мажлиси тўғрисида

АХБОРОТ

2019 йил 11 октябрь кунини Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йиғирма учинчи ялпи мажлиси иш бошлади.

Ялпи мажлисда ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мажлисини Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Нурбоева олиб борди.

Сенаторлар ишнинг "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини муҳокама қилишдан бошладилар. Қонунда банк фаолиятини амалга оширишга рухсат бериш, банк фаолиятининг ўзига хос тавakkалчиликларини назорат қилиш, шу жумладан, тавakkалчиликларни бошқаришга доир талаблар белгиланган. Жумладан, банкларнинг устас

капитали миқдори 100 миллиард сўмини ташкил этади.

Қонун билан банкни ташкил этиш, банкларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун дастлабки рухсат бериш, банк фаолиятга лицензиялар бериш, инвесторлар томонидан банк акцияларини Марказий банк розлиқисиз харид қилиш тартиби такомиллаштирилмоқда. Шунингдек, банкларро операциялар, банклар ва уларнинг миждозлари ўртасидаги муносабатлар, бўйича фоиз ставкалари, шунингдек, кредитлар қайтарилишини таъминлаш тартибга солиномоқда.



Тарихимсан, тақдиримсан, келажагимсан, она тилим!

УЛКАН МАЪНАВИЙ ХАЗИНА

21 октябрь — халқимизнинг узоқ йиллик орзуси рўёбга чиққан кун. Бундан ўттиз йил аввал шу кун...



Эркин КОМИЛОВ, Ўзбекистон Республикаси халқ артисти: — Тил — миллатнинг бош белгиси. Дунёда шундай халқлар борки...

Кристофер ФОРТ, таржимон (АҚШ): — Ўзбек тилини ўрганишни университетда илмий раҳбарим тавсия қилган эди.



Чўлпоннинг "Кеча ва кундуз", Гафур Фуломнинг "Шум бола" асарларини ўзбек тилида мутолаа қилдим.

Ўзбекистонда тил ва адабиёт ривожига берилётган ҳақиқатларни ўқувчим шундай савол берди: "Устоз, нега тилимизни "она тили" деб атаймиз?"

Каромат ҚЎЗИЕВА, Сайхунобод туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси:



— Кичик синфдаги бир ўқувчим шундай савол берди: "Устоз, нега тилимизни "она тили" деб атаймиз?"

Шу кунларда барча мактабларда она тили ва адабиёт бўйича "Фан ойлиги" бўлиб ўтмоқда. Қўнонарлиси, бу ойлик нафақат мазкур фанни янада чуқур ўргатиш тadbирлари кўринишида...

Та ЖЕН ШЕН, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети мустақил тадқиқотчиси (Хитой Халқ Республикаси):



— Ўзбек тили ниҳоятда бой. Бу сўзларнинг маънолари ҳам серкатлам. Шу боис юртингизда тўрт йилдан буюн она тилингизни ўрганишга ҳаракат қиляпман.

Ўзбекистонда давлат тилини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида ўзбек тилини ўрганиш, унинг тарихи, сўз бойлиги, услубларини ҳар томонлама ялми тадқиқ этиш учун барча шароит яратилган.

«Халқ сўзи».

Бунёдкорлик

Фаргона шаҳрида қуриб битказилган спорт кошонасида яққа курашлар турларига ихтисослаштирилган 4 та зал ва 4 минг ўринли катта арена мавжуд.

СПОРТ САРОЙИ ФАОЛИЯТ БОШЛАДИ

— Спорт бола соғлом бўлиб вояга етишида муҳим ўрин тутади, — дейди Фаргона шаҳар жисмоний тарбия ва спорт бўлими бошлиғи Муроджон Дадабоев.

Элёржон ЭХСОНОВ («Халқ сўзи»).

ОКСАНА ЧУСОВИТИНА САККИЗИНЧИ БОР ОЛИМПИАДАДА ҚАТНАШАДИ

У ШУ ОРҚАЛИ ЎЗ РЕКОРДИНИ ЯНГИЛАЙДИ.

Спорт гимнастikasi бўйича кўплаб халқаро мусобақалар совриндори Оксана Чусовитина 2020 йил Токиода бўлиб ўтадиган ёзги Олимпиада ўйинлари учун лицензияни кўлга киритди.

Фахр

Бу натижа орқали у фаолияти давомидида саккизинчи бор энг нуфузли мусобақада иштирок этадиган ва Гиннеснинг рекордлар китобидаги рекордини янгилайдиган бўлди.



Шу тарихида "Токио — 2020" га борадиган ўзбекистонлик спортчилари сони аниқ вақтга келиб 10 нафарга етди.

«Халқ сўзи».

Эътироф

Йилнинг энг яхши иш берувчиси

"Энг яхши иш берувчи — 2019" IV йиллик танловида давлат компаниялари орасидаги "2019 йилнинг энг яхши иш берувчиси" соврини "Ўзавтосаноат" АЖга топширилди.

"Талабалар орасида энг талабгир иш берувчи" совринига давлат компаниялари орасида "UzAuto Motors" компанияси сазовор бўлди.

Мазкур танлов "DaVinci Management Consulting" компанияси томонидан ҳар йили ўтказилиб, давлат, маҳаллий ва халқаро компанияларини уларнинг маънавиятида инсон капиталини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун мукофотлайди.

"Ўзавтосаноат" АЖ 85 дан ортик корхоналарни ўз ичига олади. Улардаги ишлаб чиқариш жараёнларида 27 минг нафардан зиёд ишчилар фаолият юритади.

«Халқ сўзи».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ХУЗУРИДАГИ МАЖБУРИЙ ИЖРО БЮРОСИНING «ЭЛЕКТРОН ОНЛАЙН-АУКЦИОНЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАРКАЗИ» ДУК

онлайн-аукцион савдосига таклиф қилади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки «Республика инкассация хизмати» ДУКнинг Бухоро вилояти бошқармаси https://www.e-auksion.uz электрон манзилдаги электрон савдо майдончасида 2019 йил 30 октябрь кунини ўтказиладиган очик аукцион савдосига бошқарманинг куйидаги автотранспорт воситаларини қўйган:

Table with 5 columns: T/p, Автотранспорт русуми, Ишлаб чиқарилган йили, Давлат рақами, Лот рақами. Contains 10 rows of auction items.

Автотранспортлар сақланаётган манзил: Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 28/1-уй.

Талабгорлар диққатига!

Аукцион савдосида иштирок этиш — «E-IJRO AUKSION» агона электрон савдо майдончаси ахборот тизимида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиш йўли билан амалга оширилади.

ЭЪЛОНЛАР

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1056. 45 962 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Телефонлар: Девонхона 71-233-52-55; Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Тахриратга келган қўлёзмалар тақриб қилинмайди ва муаллафга қайтариб берилади. Газетанинг таклиб берилиши учун обунани расмийлаштиришга ташкилот жавобгар. Газета тахрират компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов. Мусахҳиҳ — Ш. Машраббев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. Ўза якуни — 00.55 Топширилди — 01.45 1 2 3 4 5 6

